

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент
шаҳар комитети ва халқ депутатлари
шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган. © № 230 (6. 121) © 1986 йил 6 октябрь, душанба © Баҳоси 3 тиблин



ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ ЎН
ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА

Зарбдор иш мароми

1-ўйсозлик комбинати 60-қурилиш бошқармасининг «Хурмат белгиси» ордени келгуси йили нишонланадиган 70 йиллиги шарафига социалистик революциясининг келгуси йили нишонланадиган 70 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдиришти. Бунда айниқса Хожнак-бар Пулатов, Рустам Муродов, Василий Попович каби ишчилар ҳамкасбларига ибрат кўрсатишпти.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1986 йил 4 октябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг III пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонов «КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишларининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари» мавзусида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Ф. Сатин, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металл комбинати директори П. С. Мақсудов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, СССР 50 йиллиги номли Қарши тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчи-мотористи Р. Н. Иванушкина, Қорақалпоғистон АССР Чимбой район партия комитетининг биринчи секретари У. Қуназаров, Ўзбекистон ССР

Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. Дадажонов, Хоразм область ижроия комитетининг раиси Р. Худойбергана, Фарғона область Кува районидаги 2-ўрта мактаб директори Х. Усмонова, «Правда Востока» газетасининг редактори Г. Г. Неклесса, Навоий область Қизилтепа районидаги «Еш ленинчи» колхозы партия комитетининг секретари С. Н. Наимова сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Пропаганда бўлимининг мудир Ю. А. Сяляров нутқ сўзлади.

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг қарорларини бажариш юзасидан Марказий Комитетнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган перспектив иш плани тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишев ахборот берди.

Шу масалани муҳокама қилиш чоғида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. С. Васильев, Бухоро область Когон районидаги «Когон» совхозининг тракторчиси У. Исмоилов сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди. В. К. Михайлов Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат вазифасидан озод қилинди.


Қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудир шат лавозими жорий этилиши муносабати билан айти бир вақтда бўлим мудир вазифасини ижро этувчи Марказий Комитет секретари В. Н. Лобко бўлим мудир вазифасидан озод қилинди.

З. А. Ботиров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг, В. Ю. Зорин савдо ва манший хизмат бўлимининг, А. С. Воеков транспорт ва алоқа бўлимининг мудирлари этиб тасдиқландилар.

Ишда жиддий камчиликларга йўл қўйганликлар ва нотўғри хатти-ҳаракатлари билан обрўларини тўкиб қўйганликлар учун Навоий шаҳар партия комитетининг собиқ биринчи секретари Н. В. Дуванов, Самарқанд район партия комитетининг собиқ биринчи секретари М. Шеркулов Марказий Комитет составидан чиқарилдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудир В. И. Бессарабов иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.




ЭРТАГА—СССР КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Партия зеҳнидан туғилди бу ҳақ
Даврининг юзидай шарафли, порлоқ!
Уни қайтаролмас душман найзаси,
Бу буюк қонунда Партия имзоси.

Бу ҳаёт паспортин қутлаймиз мамнун,
Қўллардан берилмас шу қутлуг Қонун!

Мақсуд ШАЙХОДА.



Социалистик демократия тантанаси

СССР Конституциясида нафолат берилганидек, СССР граждандари меҳнат қилиш ҳуқуқига экин меҳнатининг миқдори ва сифатига мувофиқ ҳақ ўлғанадиган ва гарантияланган иш олши ҳуқуқига... эгадирлар.

Бизда меҳнат қилган киши эъзозланади, ардоқланади. Шахримизда ҳалол меҳнатлар туғайли эл хурматига, партия ва ҳукуматимизнинг қўшқўш ордени ва медалларига сазовор бўлаётган ишчилар жуда кўп. Улар ўзларининг

фидокорона меҳнатлари билан мамлакатимиз қудратига қудрат, эл фаровонлигига фаровонлик қўшиб келмоқдалар, коммунистик жамият қуришининг олдинги сафида бормоқдалар. Қўллаб-қувватлаш, хизматчилар республика, шаҳар, район Советларига депутатликка сайланмоқдалар. Улар давлатни, ҳокимиятни бошқаришда янада фаол иштирок этмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз ўз навбатида ишчи ва хизматчиларга катта қўлайликлар яратишга, турли имтиёзлар беришга катта эътибор бериб келяпти. Чунки бизнинг жамиятимиз чинкав демократик жамият бўлиб, унинг сиёсий системаси барча иқтисодий ишларини самарали бошқариш, давлат ҳаётида барча меҳнатчиларнинг тобора актив қатнаштириши, кишининг реал ҳуқуқлари ва эркинликларини граждандлик масъулияти билан боғлаб олиб боришни таъминлайди.

2. 000. 000. ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР!



ПАХТАКОРГА
МАДАДКОРМИЗ

Студентлар практикада

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш иккиневлари институтининг 800 студенти ишлаб чиқариш практикасини ўташ мақсадида Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларидаги пахтакор хўжаликларга етиб бордилар. Институт ишлаб чиқариш практикаси мудир Эркин Ғаниевич Ҳасанов мухбиримизга қўндагиликларини маълум қилди.

Студентларнинг назарий билимларини амалда мустақимлаш учун жуда қўл келяпти. Биз ремонт-эксплуатация ишларига доир практикани бошлаб юбордик. Студентларимиз Жиззах областининг Октябрь районидаги Собир Раҳимов номидаги, «Уч қаҳрамон», «Советская Россия», Совет Иттифоқи маршали Конева номидаги совхозларда терим агрегатларини ремонт қилиш

билан қизғин шугулланмоқдалар. Улар икки ҳафта давомида маълум курсни бажариб бўлгач, яна бир неча ҳафта терим машиналарини эксплуатация қилиш билан шугулландилар. Олий ўқув юрти студентларининг бу амалий практикаси «оқ олтин» дурдонасининг ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда яқиндан ёрдам беради, деган умиддамыз.

«ОҚ ОЛТИН» — БАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 4 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)
Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	3,25	53,44
Бухоро	1,82	42,03
ҚААССР	2,64	40,65
Хоразм	2,63	40,65
Сурхондарё	2,60	32,60
Тошкент	4,27	32,45
Наманган	3,08	31,34
Самарқанд	2,17	22,26
Андижон	1,84	21,34
Навоий	1,75	20,71
Қашқадарё	1,45	20,38
Жиззах	2,86	20,28
Сирдарё	4,19	20,14

Республика бўйича: 2,64 31,09

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

ҲИММАТИ

Шахримизнинг Ки-ров районидаги корхоналар ва ташкилотлар қишлоқ меҳнатчиларига мунтазам ёрдам кўрсатишпти. Райондаги қурилиш ташкилотлари ҳам деҳқонларга мададкор бўлишпти.

Чунончи, август ойида Зомин район ишлаб қишлоқ меҳнатчиларига ёрдам кўрсатишга тайёр, — дейди трест партия ташкилотли. Бу илтимосга 11-«Висотстрой» трести

Коллективимиз зарур бўлган тақдирда қишлоқ меҳнатчиларига ёрдам кўрсатишга тайёр, — дейди трест партия ташкилотли. Бу илтимосга 11-«Висотстрой» трести

Коллективимиз зарур бўлган тақдирда қишлоқ меҳнатчиларига ёрдам кўрсатишга тайёр, — дейди трест партия ташкилотли. Бу илтимосга 11-«Висотстрой» трести

ОБ-ҲАВО ВА САЛОМАТЛИК

6 — 13 ОКТАБР

Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг директори, медицина фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби Н. М. Мажидов тахрири остида. Ўзбекистон ССР гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтада об-ҳаво ўзгариб туриши кутулади. Ҳафта ўрталарида Ўзбекистон территориясига Иттифоқи

мизининг шимолий-ғарбий районларидан совуқ ҳаво оқими кириб келяди. Бутун республика бўйлаб ёмғир ёғиб ўтади. Ҳарорат кечаси 1—6 даражага пасаяди, айрим жойларда совуқ тушади, кундузи ҳарорат 8—13 даража бўлади. Қолган кунларда бир мунча иссиқ ҳаво сақланиб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат кечаси 7—12, кундузи кунлари 20—25 даража бўлади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати норматга яқин. Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг маълумотларига кўра ҳафта ўрталарида Иттифоқимизнинг Европа территориясидан совуқ ҳаво оқими кириб келиши ҳаво ҳароратининг кескин пасайишига, ту-

лари совуқ тушиб, ҳаво таркибиде кислороднинг кўпайишига, атмосфера босимининг кўтарилиб, ёмғир ёғишига олиб келяди. Бундай об-ҳаво беморлар организмиде маълум реакцияларнинг ривожланишига сабаб бўлади. Бу юрак-қон-томир, мия ва бўғин хасталикларини бўлган беморларнинг кайфиятига салбий таъсир этиши, касалликлар хуруж кўчйиши мумкин.

Профилактика мақсадида беморларга врачларнинг tavsiyisi билан қон босимини мўътадиллаштирувчи препаратларни, организмнинг об-ҳаво хуружига қаршилигини оширишга хизмат қилувчи энтивазопластин истеъмол қилишни тайинлаш мумкин. Беморлар есабларини эҳтиёт қилишлари, жисмоний меҳнат билан қаттиқ шугулланмасликлари лозим.

Олий мақсад

СИФАТГА—ИШЧИ КАФОЛАТИ

ХАЛҚ УСТАЛАРИНИНГ
АНЪАНАЛАРИ АСОСИДА

А С О С И Й Х У Ж Ж А Т

СССР Конституцияси совет ҳуқуқи барча тармоқларининг шу жумладан, меҳнат ҳуқуқининг ҳам муҳим асосий манбаи бўлиб, СССР Конституцияси қоидаларидан шу ҳуқуқ нормаларида янада ривожланади ва қўлланилади.

А. ҲАСАНОВ,
қўриқ

фат белгиси берилди.

Аттестациядан ўтказилган махсуслот фақат республика миёси йўл қурилишларида эмас, балки бошқа жойларда ҳам юбриймолда. Чунинчи, «Узтёмнмашдорстрой» трести коллективи шу завод конструкцияларидан фойдаланган. Томенбел об'ектида ҳам бу йўл йўлини қуришти.

Ана шун адресса махсуслот юбрийонин қўйатириш мақсадида корхонада яна бир механизациялашган линия юбрийи этилиди. Бу линия мустваҳкамлиги оширилган йўл қопламаси ишлаб чиқаришти.

Бундан ташқари завод коллективи корхонани ички пивоздантириш планига мувофиқ, илмий-техника раққийини маддаллаш йўлида қаратилган бош бир қатор тadbирлар амалга оширатишти. Ҳозир кунда тўқиз ойлик планга бажарган коллектив У.А. Охтарибин 69 йилги тажрибани муваффақият билан қўйиб кутиб олган шун мувофиқ мусобаба ни аввал оидиришти. Печаладан уш қатнашларда махсуслотни биринчи тақдирда шахсий белги билан топширишга интиломқадар. Сўнггида — илчи қаролати д шун айтиш мумкин.

М. ФЕЛДМАН,
Ўзбекистон ССР Авто
билъ йўллари қурилиш
улардан фойдаланган мин
тодиги бош метологи.

Келажакка умид

нинг ички ҳаёти ва ч
воқеалари ҳақида

ҶАММА ҶҶИШИ
МУМКИН

Швецияда «8-Сидор»
деб номланган одатдан
ташқари газета чоп эт-
лади. Бу газета кам са-
водлилар учун мўлжаллан-
ган. Маълум бўлишича,
мамлакатда бундай киши-
лар талайгина экан.

Газета ўзининг саккиз
саҳифасида содда ва ту-
шунарли тилда мамлакат-

ЯПОН ИСМЛАРИ
РЕКОРДИ

Япон олимларининг
аниқлаштига қараганда,
уларнинг мамлакатида у-
чининг зият нисм ва фа-
милia мавдуд экан. Бу
дунёдаги бошқа ҳар қай-
си мамлакатдагидан кўп.
Таққослаб кўринг: 1 мил-
лиард аҳолиси бўлган Хи-
тойдa атғни 300 та исм
Буюк Британияда 16 ми-
н исм тез-тез учрар экан.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Совет турмуш тарзи



НУРЛИ ТАҚДИР

«Аёлларнинг оналики меҳнатда ва ижтимоий фаолиятда актив қатнашиш билан муваффақиятли тарзда қўшиб олиб боришларига имкон берадиган меҳнат ва турмуш шартини яратиб — оналики қўлига проблемаларини ҳал эттириш шартидир. Ўн иккинчи беш йилликда аёллар учун тулқ бўлмаган иш кунини ёки қисқартirilган иш ҳафтасини, уйда ишлашни кенг қўламда жорий этиш мўлжалланмоқда. Болали оналарнинг фарзандлари бир ярим ёшга етгунча уларни парварши қилишлари учун ҳақ тўланадиган отпускарлари узийтирилади, шунингдек боласи касаллиги муносабати билан ҳақ тўланадиган кунлар сони кўпайтирилади. Кам таъминланган оналар болалари 12 ёшга тулгунча қадар улар учун нафақа оладиган бўладилар».

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездида Сийёс докладидан).

оиласида бешинчи фарзанд туғилиш арафасида. Муҳаммадхон селарь, Улугбек аса автомобил селарлигига ўқияпти. Шаҳноза ўқувчи, Фурқат ва Баҳодир мактаб-интернатда тарбияланишяпти.

— Санталат опа, сиз ўз оилангизнинг бахтини нимада деб биласиз?

— Оиламизнинг бахти фарзандларимизнинг қўлида. Уларнинг социалистик жамиятимиз учун керакли одамлар бўлиб вояга етишишга қарамай. Ота-онам Қорабой ака ва Норбуви опа ҳам ўн фарзандни тарбиялашган. Волидан Қажрамон она, уларнинг 60 дан зиёд набири ва эваралари бор. Дадам уруш қатнашчиси, инвалид, мукофотлари бор. Ота-онам уруш ва ундан кейинги йилларнинг машаққатига қарамай ҳар биримизга садоқат билан касбкор ўргатишди. Уларнинг ҳаёти ҳамиша фаровон бўлди. Улар барча машаққатларни матонат билан енгишди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда обрў-эътиборли нурийлардир. Онамнинг муҳим фазилати — унинг меҳнатсеварлигида. У киши ерни парварши қилиш, пахта, бўғдой, сабзавот экиб яхши ҳосил олибгина қолмай, энг муҳими бизларни ҳам тарбиялаб ўстирди.

Катта хонадон оиламиз, Она-қизимиз бу Ватан демакдир. Мен турист сифатида жаҳоннинг 17 мамлакатига меҳмон бўлдим. Жуда кўп-кўп аёллар билан учрашдим. Бу аёлларнинг барча-

си тинчликни яхши ният билан орзу қиладилар. Биз ер кўрсатининг барча оналари мусаффо осмон узра даҳшатли қора булутлар — ядро қуроллари портлатиб хавфи олдида қўл қовуштириб, берақ туролмаймиз. Фашизм жамоҳоналарида эзилган, хўрланган ва ҳалок қилинган кишиларнинг хотираси бизни бугунги кунда фақат тинчлик бўлишига даъват этмоқда. Мен юқорида отам инвалидлигини айтиб ўтдим. У урушда олган мукофотларини ардоқлаб, қўздан кечира экан, бир умрга йўқотилган саломатлиги ҳақида ўйламасдан, фақат мусаффо осмон бўлишини орзу қиладди. Менинг отам каби миллионлаб кишиларнинг нияти ана шундай, чунки биз катта оиламиз. Отам босиб ўтган жанг йўлларидан сафар қилишга аҳд қилганман. Минск, Ростов, Новосибирск шаҳарларига боришим керак. Ана шу шаҳарларда бугунги кунда уруш асорати қолган эмас. Бу шаҳарлардаги одамлар тинч ва фаровон яшашмоқда ва оталар ва ака-укаларнинг жасорати ҳақидаги хотираларни ёдга олмоқда. Ядро қуролларини синашни бир томонлама тўхтатиб қўйилганлиги — мамлакатимиз тинчлик сийёсатининг яна бир яққол далилидир.

Кўнлардан бир кун учрашувда мендан ватанпарварлик тарбиясини қандай тушунасиз, деб сўраб қолишди. Қисқа қилиб жавоб бердим. Ўзининг таъдирини халқ таъдирини, жамият тоғлари билан боғлаган инсон у ватанпарвардир.

Ҳаётда ҳамма нарса силлиқ боравермайди. Тўққиз йил муқаддам бева қолдим. Бошимизга оғир кун тушганида мен фарзандларимга, кўшнларимга, дўстларимга, касбдошларимга, халқимга сўнайдим.

Оила — катта ҳужайра. Уни оқилона бошқара биллиш, унинг ижодий қуч-қайратидан ўринли фойдаланиш лозим. Инсон болалигида меҳнатга бўйин эгаси у келгусида қаққон, соғом, меҳнатсевар ва фойдали гражданд бўлиб қамолотга етади.

Мен бахтиёр одамман. Фарзандларим тарбиясига қийнатдан ёрдам бераётган ва мени ардоқлаётган совет жамиятида яшаётганлигим учун ҳам бахтиёрман.

— Биз бу дилбар ва меҳрибон она билан суҳбатлашганимизда у баъзида педагог ёки мастер, врач ёки қонди-терга ҳам ўхшар эди. Лекин унинг қадок қўллари, саратон офтобиди, чиниққан ва тоблаган чеҳраси оддий деҳқон қизи эканлигини таъкидлаб турибди.

Мен турист сифатида жаҳоннинг 17 мамлакатига меҳмон бўлдим. Жуда кўп-кўп аёллар билан учрашдим. Бу аёлларнинг барча-

А. ПУЛТОВ,
Э. АДАККИНА.

СУРАТДА: Сиддиқовлар оиласи.

НАРОСАТ
ГУЛШАНИ

«Мосфильм»да
суратга олинган
Ешлар ижоди-
дан
Санъаткор камо-
лоти

Бу фильмни кўрдингизми?

«ВАСИЯТ»



индлий санъаткор СССР халқ артисти Евгений Матвеев С. Маковецкий, Ю. Саранцев, П. Шчербаков, А. Потапов каби актёрлар ўз маҳоратини намойиш этган-ролларида. Л. Зайцева, Е. Антонова, В. Самойлов, киностудиясида режиссёр

Игорь Ростов ижодий группаси томонидан яратилган. Фильм сценарийси Валентин Ежов қаламига мансуб. Ш. ХИДОЯТОВ. СУРАТДА: фильмдан кадр.

● Зулфия Мўминова Самарқандда туғилган. В. И.

Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида унинг «Бешиклари асрагин дунё» ilk шеърый тўплами нашрга тайёрланмоқда. Ҳозир «Саодат» журналида ишламоқда.

Соғинч кунлари

Пичирлади ўзига ўзи:
Пахталарнинг ҳоли не кечди?
Йўлга тушди дили хуфтон, гап,
Не атасин бу дара отини?
Орасидан уйку аралаш
Маънос қараб қолди хотини.
Аёл кириб ухлар хотиржам,
Рашқдан бери, қайғилар бери:
Пахтазордан бошқа қайта ҳам,
Борарди шу бригадир эри.

ДЕҲҚОН

У шийонда ухларди ҳар тун,
Хирмонжойда кетарди қолиб,
Не учундир уйдайдилар бу тун,
Емиғир ёғди асғина олиб.
Ичи кўйиб ўйгонган кези,
Совуқ чойин симириб ичди.

Улуг Ватан уруши вақтида Нарпайга эвакуация қилинган румин болалари орасида Халарамб Зинкэ ҳам бор эди. Зинкэ урушдан кейин румин адабиётининг таниқли ёзувчиси бўлиб етибди. Унинг янгирамадан ортиқ асарлари орасида «Мен қандай қилиб ўзбек бўлиб қолдим», асари ҳам бор.

У пайтлари Зинкэ Зинкэ эмас, Ялангоёқ бир бола эди. Уни қўтиб олишга чиққан, Нарпай эди, кир, дала эди Орта қолсин, хавотир, гинанг, Қўрқувларни мангута қузат. Бошгинангини сийлайди энанг, Оёгингини тангача узат. Мана бу нон, мана бу майяс, Манов ёнғок, туршангнинг секинг, Мана шу уй, мана шу даҳлиз Иссиқ ўлан-тушанинг сенинг. Аканг билан алмашиб кирза Этнчанг киёсиз, етар. Қиш тутасин, у ёғи маза, Иссиқ қулар бошланиб кетар. «Қоратовдан қор оқиб, Намлар эриб кетади. Қўшқай айтасиз чопиб, Ғамлар эриб кетади».

Иссиқ қулар... Нарпай қўйинда Беш йил йиллаб кутди тилақлар. Тинчлик сўзини бир кун бўйинга Илб келди оппоқ лайлақлар. Хушбахтарини таниш юради, Почтачининг таниш суммаси. Қўнка боқиб хушуд титради, Таққалар эзган йўллар елкаси. Қайтиб кетди у юрти томон, Ғолиб юрта чопди поездлар. Тушларига қиради ҳамон Этнчанглар ётган даҳлизлар. Бир кун дадил ёзди: мен — ўзбек, Бугдой, пахта, жуяқлар — ўзбек, Соғинч — ўзбек ва тинчлик — ўзбек, Иссиқ ёллар, лайлақлар — ўзбек, Уни тез-тез чорлар телеграф, Ҳажжонинг тутар жаҳонини «Улаб беринг — сўрайди титраб Болалигим — Ўзбекистонини».

Зулфия МҲМИНОВА.

✦ Мақсуд Бекжон 1961 йилда Хоразмда туғилган. Москвадаги М. Горький номидаги адабиёт институтини битирган.

Инсон
худбин эмас...


Яшаса,
Ҳар ким ўзининг
Жаҳонига осмонни билан.
Уч-тўртта юлдуз ҳам
бўлса осмоннинг.
Бир одамга етгудай
Кичкина қўёш,
Ойи ҳам бўлса,
Баъзан хилма-хиллик учун
Булутлар ҳам сўзиб қолса
осмонни бўйлаб.
Инсон худбин эмас,
Унга керак эмас осмон.
Чексизлик,
Бутун кoinотни истаб
юрмайд,
Жаҳонига осмонни бўлса
инсоннинг.

Некбин

Яшаверади,
«Халқ ҳамма нарса
олдинда» эканлигига
Қаттиқ ишониб,

Умрининг сўнгигача
яшайди

Шу ишонч билан
Ва
Қуларнинг бирида
«Гурс» этиб йиқилди-ю,
Оламдан ўтди.
Лекин энг муҳими,
энг қувончлиси,
Халқ ҳам унинг
«Хамма нарсаси олдинда»
эди —
Олдинда қолганди ҳамма
нарсаси.
Шамолнинг ҳоли йўқ,
югурай деса,
Булбуллар соқовдай
ғўлдиради.
Сукуватнинг бўм-бўш
ичини эса
Чинилар шовқини
тўлдирган.
Вазифаларининг қон
ўртасида
Турганга ўхшайсан сен ҳам
муаллақ,
Ез каби қўнглингга урар



баъзида
Ажратиб ўтириш: ким ҳақ,
ким ноҳақ.

Жазирама

Фасл
Муттасил
Чўзилар
Бошқа фаслларнинг ошени
узра.
Кўксининг ўртайдиган мангу
ашиллиги.
Ўзининг ўқини минг марта
Айланиб чиққан соат
мили ҳам
Ўзини айланиб-ўргилар
фақат.

Фасл

Мақсуд БЕКЖОН.

Ҳосил КАРИМОВ.

Янги замон
сари

Бирор тонг қўшдан кесрак уйғониб,
Болалар ҳувосини эшитмай қолсам,
Кун бўйи гантилман дойдир сурталиб
Ўғейи зехнимда алаҳина кам.
Томимиз мактабнинг томига куташ,
Болалар тепган тўп бизга тушади.
Куйноқ шовқин-сурон қийғос аралаш,
Илк саҳардонқ қайнаб жушади.
Бу тонг жуда барангит уйғонди мактаб,
Болари индий гувилайди у.
Нурларга қўмгандай ҳар олтин тараф,
Офтобда эриман жарангдор қулқу.
«Авалло тўй, деган болалариники»
Ота-болалардан бу мақол жерос.
Тўғли-ю талстук, кийим-бош яғи,
Вайрамда безанмак ёш авлодга хос.
Улуг байрам олди, Октябр олди
Каттақон майдонда тантана, собор,
Гуриг сардорлар уфғини ёрди.
Истиқбол кўридан кўзга бегубор,
Кун кеча улугвор тарихимизга
Мукаддас янги боб очган съездда,
Ойғимиз, зехнимиз, шууримизга
Офтоб нурларини сочган съездда —
Эдинги замоннинг бутун наъмини
Шу авлод қўлига қилинди тақдир.
Биз курган муборак коммунизмни
Насллар қўлига қилинди тақдир.
Бир йилгит уйрича фурсат ўтади,
Инсонлар мунозаир замон келади,
Коммунизм асри сизни кутади,
Биз унда ишаймиз доим, абдий.
Ленин идеяси йўлдан боради
Улуг инсоният бўлиб бахтиёр.
Ленин орзуларини тямасин бўлган
Покиза наслимиз, авлодимиз бор.
Авлодлар сафи бу, қўйишда қадим,
Колонна кетмоқда Қизил майдонга.
Партиямиз каби ғолиб, мустақкам,
Қизил майдон оша янги замонга.

Гафур ҒУЛОМ.




Социалистик демократия тантанаси

Совет Социалистик Республикалари и и н г Конституциясига биноан СССР граждaнлари меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиқларини сақлаш уй-жойин бўлиш, билим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ва

бошқа бир қатор имтиёзларга эгадирлар. Ҳаётимизнинг Асосий қонунинда маданият ютуқларидан фойдаланиш тўғрисида ҳам алоҳида модда бор. Шу жиҳатдан ҳам шаҳримизда маданият муассасаларининг

ишнинг ривожлантиришга, уларнинг ролини оширишга катта эътибор бериб келинмоқда. Ҳозир шаҳримизда кўпلىб кутубоналар, маданият саройлари, маданият уйлари, хаваскорлик тўғраликлар ишлаб турибди.



Келинг, бир қилишайлик

ХАНДАЛАР

БИОЛОГИЯ ДАРСИДА
Ўқитувчи: Емиғир ҳувалчангининг қўнлоқ ҳўжалиги ривожига қандай ёрдами бор?
Ўқувчи: Ҳувалчанглар билан кўп баллиқ туғилди.
ТАБИАТШУНОСЛИК ДАРСИДА
Ўқитувчи: Дарахт таналари нега кузда оқланади?
Ўқувчи: Меҳнат дарсида баҳо олиш учун.
ЗООЛОГИЯ ДАРСИДА
Ўқитувчи: Балиқнинг елпи-

ғич қаноти қандай вазифани адо этади?
Ўқувчи: Паишаддай хира, майда ҳашаротларни ҳайдашда фойдаланади.
ОНА ТИЛИ ДАРСИДА
Ўқитувчи: Сен ҳарфларини дон-дона, аниқ қилиб, чиройли ёзадиган бўлсам, орфографик хатоларим кўриниб қолади-да.

МАТЕМАТИКА ДАРСИДА
Ўқитувчи: Аъло жавоб бердинг. Кундалик дафтарингни келтир, баҳонингни қўйиб бераман.
Ўқувчи: Кундалик дафтарим уйда, эсимдан чиқиб қолди.
Партадоши: Менинг кундалик дафтаримга баҳо қўйдириб ола қол. Эртага сенкига мен қўйдириб бераман.

ГЕОГРАФИЯ ДАРСИДА
Ўқитувчи: Ярим орол деб нимага айтаман?
Ўқувчи: Бутун оролнинг тенг иккига бўлинган қисмини ярим орол деймиз.
ТАРИХ ДАРСИДА
Ўқитувчи: Қадимги дунё одамлари ерни нима билан ҳайдашган?
Ўқувчи: Қадимги дунё одамлари қадимги дунё ерларини қадимги дунё тракторлари билан ҳайдашган.
Собит ҒОҒУРОВ.

САНЪАТКОРНИНГ ЯНГИ РОЛИ

Таниқли театр ва киноактриса Маргарита Терехова ўзбек санъаткорлари билан яқин алоқа боғлаб келди.
Моҳир санъаткор Тошкент давлат университетини

бундан чорак аср муқаддам тугатган эди. Ҳозир «Моссовет» номли театр ҳузуридаги актёрлар студиясида ўз истеъдоди ва ижодчилик маҳоратини намойиш этмоқда.

Актриса қатор бадий фильмларда етакчи ролларида ижро этган. Унинг «Ассалом, бу мен», «Белорус вокзали», «Молодой» каби фильмларда яратган образлари томошабинларга яхши таниш.

Актриса яқинда «Қадимий Русь» бадий фильмида Византия императори Феодора ролини ижро этиб, томошабинлар эътиборини яна ўзига тортиди.
А. АЛИЕВ.



ҚУВНОҚЛАР МАСКАНИ

Фарзанд ота-она қувончи, хонадон гули, Ватан бойлиги, СССР Конституцияси берган ҳуқуқлар туфайли ҳаммамиз болаларга меҳрибон, гиритгонимиз. Қора кўз фарзандларимиз фаровон ва осуда ҳаёт кечиртиш

ларини тилаймиз. Биргина 600 дан зиёд болалар боғчаси ишлаб турган Тошкентимизда ўн минглаб эркаклар яхши тарбияланишмоқда. Акмал Икромов районидagi 483-болалар боғчаси ана шундай қувноқлар масканларидан

бири. Бу ерда Нонна Зуфарова, Шоҳида Сайдахмедова, Матлуба Юсупова сингари тарбиячилар бахтиёр ўғил-қизлар атрофида ҳамisha парвона.

Х. Шодиев фотолари.

«Саломатлик»

программаси амалда

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг медицина қисми бераётган касаллик варақалари сони ўтган йилга нисбатан анча камайди. Қорхона касабасоюз активлари иштирокида ишлаб чиқилган «Саломатлик» программасини амалга ошириш якуни шундай бўлди.

Касабасоюз комитетининг тавсиясига биноан бирлашманинг механика цехларида ўнлаб янги серунум ускуналар ўрнатилди, бу ускуналар энг машаққатли операцияларни бажаришни зиммасига олди. Қўйилмалар тайёрлаш цехининг вентиляция системаси реконструкция қилинди. Бунинг натижасида цех чангдан ва газдан тозаланди.

Аммо касабасоюз активлари медицина ходимлари билан биргалашиб меҳнат

шароитларини яхшилашдан бошқа ишларни ҳам қилдилар. Коллективда умумий диспансерлаш ўтказилди. Врачларнинг тавсияларига кўра, минглаб авиасозлар қорхонанинг Чотқол этакларида жойлашган «Кристалл», Иссиққўлдаги, Сирдарё қирғоғида қурилган «Чиноз» пансионатларида соғломлаштириш курсидан ўтдилар. Бирлашманинг юзлаб меҳнаткашлари ишлаб чиқаришдан акралмаган ҳолда шу йил очилган 350 ўринли санаторий-профилакторийда даволанди. Кўпгина авиасозлар касабасоюзнинг имтиёзли йўлланмалари билан мамлакатнинг бошқа шифохоналарида дам олиб келди.

(ЎзТАГ мухбири).

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама эълонлар реклама

ТОШКЕНТ САЕХАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ



ОКТАБРЬ ОИДА

ЎЗ ОТПУСКАНГИЗ ПАЙТИДА, ШУНИНГДЕК ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ ВА ИШДАН ЎЗШ ВАҚТЛАРИНГИЗ. ДА УЧ КУНДАН БЕШ КУНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИГАН

САМОЛЕТ САЕХАТЛАРИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

САМОЛЕТ САЕХАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС АФЗАЛ ТОМОНЛАРИ БОР. БОР ЙЎҒИ БИР НЕЧА СОАТ ИЧИДАЕЎ АЭРОФЛОТНИНГ ТЕЗ УЧАР ҚАНОТЛАРИ СИЗЛАРНИ ТОШКЕНТДАН МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭНГ ОЛИС ВУРЧАКЛАРГА ЭЛТИВ ҚУЯДИ:

Тожикистон ССР пойтахти — ДУШАНБАГА,
Арманистон ССР пойтахти — ЕРЕВАНГА,
Қирғизистон ССР пойтахти — ФРУНЗЕ ШАХРИГА,
Туркменистон ССР пойтахти — АШХОБОДГА,
Украина ССР пойтахти — КИЕВГА,
Молдавия ССР пойтахти — КИШИНЕВГА,
Қадимги ЛЬВОВ, қаҳрамон шаҳар — СЕВАСТОПОЛЬ,
ЯРОСЛАВЛЬ, НОВОСИБИРСККА,
Грузия ССР пойтахти — ТБИЛИСИ, қаҳрамон шаҳар
ОДЕССА, РОСТОВ-ДОНГА,
Озарбайжон ССР пойтахти — БОКУГА,
Белоруссия ССР пойтахти — МИНСКГА,
Қаҳрамон шаҳар — ВОЛГОГРАДГА,
Путёвқалар юзасидан қуйидаги адресда жойлашган путёвқалар сотиш бюросига мурожаат қилинг. Тошкент шаҳри, Намойишлар хиёбони, 5-уй.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА

ТАКЛИФ

ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА

Янгирувчилар, сьемиччилар, лентачилар, тароқловчилар, тараф машиналарининг операторлари, тўқувчилар, зарядкаловчилар, ўровчилар, тўқув ва янгирув ишлаб чиқариш мастерларининг ёрдамчилари.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ғишт терувчилар, электр пайвандчилар, монтажчилар, дурадгорлар.

«ЎЗБЕКИСТОН» СУНЪИЙ ВА ТАВИЙ ЧАРМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

Слесарь-монтажчилар, токарлар, фрезерчилар, газ-электр пайвандчилар, бетончилар, ғишт-терувчилар, дурадгорлар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОР. ХОНАЛАРИГА

Токарлар, фрезерчилар, контролёрлар, «Д» категория-сидаги ҳайдовчилар, конструкторлар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

ҲАМЗА РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА

Буфетчилар, кассирлар, ошпазлар, бухгалтерлар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Инженер-механиклар, қурувчи-инженерлар, таъминот ва комплектациялаш бўйича инженерлар, автомобиль транспорти бўйича инженерлар, конструктор-механиклар, асбосмент ишлари бўйича технологлар, физиклар, қурувчи-техниклар, секретарь-машинистка, пайвандловчи, токарлар, сайкал берувчилар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ КОРХОНАГА

Инженер-электрониклар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙўЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.

ОКТАБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-қават, 3-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Спутник, 2-қават, 69-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

ҚУБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 48-уй.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Фарҳод кўчаси, 21-уй.

«ЮБИЛЕЙ»

МАРКАЗИЙ

СПОРТ ЗАЛИДА

СССР Биринчилиги учун

Биринчи лига командалари

ўртасида

ХОККЕЙ

7-8 октябрь соат 18-30 да «БИНОКОР» (Тошкент) — «АВТОМОБИЛИСТ» (Қарағанда).

11-12 октябрь соат 17.00 да «БИНОКОР» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Усть-Каменогорск).

25-26 октябрь соат 17.00 да «БИНОКОР» (Тошкент) — «СИБИРЬ» (Новосибирск).

Билетлар «Юбилей» марказий спорт зали кассасида сотилмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-67-53, 46-68-77 администратор; 46-03-12 46-70-31 — касса.

Корхоналар, ташкилотлар,

муассасалар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари дик

қатига!

«ЎЗСПОРТТОРГ»нинг ҳужалик ҳисобидаги магазинлари

1984 йилгача ишлаб чиқарилган мотоцикллар ва велосипедларнинг эҳтиёт қисмлари, тикув буюмлари, пойабзаллар, спорт моллари


Товар оборотида киритмасдан ва майда улгуржи лимит ҳисобига олмасдан.

ПУЛ УТКАЗИШ ЙўЛИ

БИЛАН

СОТАДИ

«ЎЗСПОРТТОРГ»нинг Тошкент областларга улгуржи базаси.



«Химчистка» фабрикасининг

4-филиали

ПАР-МОМИҚ БУЮМЛАРИНИ ТОЗАЛАБ БЕРИШИ МУМКИН БУЛГАН ЯГОНА КОРХОНАДИР.

1 килограмм пар-момиқ буюмининг тозалаш бериш учун — 95 тийин ҳақ олинади. Тоширилган буюм оғирлигининг 30 проценти тозалаш вақтида чиқитга чиқади.

Агар сизларнинг пар ёстиқ жилдларингиз яроқсиз ҳолга келган бўлса шу ернинг ўзида уларни янгиларига алмаштириш ва ўзингиз хоҳлаган рангдаги матонин таяндингиз мумкин. 1 дона пар ёстиқ жилди 2 сўм 33 тийиндан 4 сўм 18 тийингача. Филиалда шунингдек доғларни ётказиш, кийим-бошларни кимёвий тозалаш ва уларга

Муносиб эсдалик

Жаҳондаги ва мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келганлар Ватанимиз пойтахти Москва билан яхши ниятда яна бу ерга келиш иштиёқи билан хайрлашадилар. Москва бўйлаб қилинган зиёрат ва учрашувлар бир умрга сақланиб қолиши учун албатта совға буюми керак.

«МОСКОВСКИЙ КРЕМЛЬ» ПАРФЮМЕРИЯ ТЕРМАСИ МУНОСИБ ЭСДАЛИК БУЮМИ БУЛИБ ҚОЛАДИ.



«МОСКОВСКИЙ КРЕМЛЬ» — «ЭКСТРА» ПАРФЮМЕРИЯ ТЕРМАСИ «Н» (сифати яхшилланган янгиланган) БЕЛГИСИ БИЛАН МУХРЛАНГАН.

«МОСКОВСКИЙ КРЕМЛЬ» парфюмерия термаси 1986 йил Югославияда ўтказилган Халқаро кенг истеъмол моллари ярмаркасининг олтин медали ва дипломи билан тақдирланган.

Терма баҳоси — 18 сўм (афтр 11 сўм, одоколон 7 сўм).

МОСКВАДАГИ «НОВАЯ ЗАРЯ» ПАРФЮМЕРИЯ ФАБРИКАСИ.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

Ҳар бир чироқнинг ўз ўрни бор



ЕРУҒ НУРЛИ ҚАНДИЛ — ТАНТАНАЛИ МАРОСИМЛАРГА АТАЛГАН, ЎЗУВ СТОЛИДА ИШЛАШ УЧУН ЭСА АЛОҲИДА СТОЛ ЛАМПАСИ КЕРАК БУЛАДИ. ОРОМ ОЛИШ УЧУН ЭСА ТОРШЕР ЕЎҚИЛАДИ. Қўйилгангиз учун янги чироқ таялётганда унинг қандай мақсадда ишлатилиши, қаерга ўрнатилишига, ранги ва безагига эътибор беринг. Ноурин танланган чироқлар уй жиҳозларининг умумий кўркини бузиб қўйиши мумкин.

«Ташхозторг» магазинлари МАМЛАКАТИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА ЧЕТ ЭЛЛАРДАН КЕЛТИРИЛГАН ҚАНДИЛЛАР, ТОРШЕРЛАР, БРАЛАР, СТОЛ ЛАМПАЛАРИНИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

«ТАШХОЗТОРГ».

«Рассвет» тавсия этади

Олис манзаралар жозибаси

ЎТКИР ОПТИКАЛИ ДУРБИН ТУРИСТЛАР ВА НАТУРАЛИСТЛАР СПОРТЧИЛАР ВА ИШҚИБОЗЛАР, ТЕАТР ИҲЛОСМАНДЛАРИ, ОВЧИЛАР, БАЛИҚЧИЛАР, УРМОНЧИЛАР, ҲАВАСКОР-АСТРОНОМЛАРГА МУНОСИБ ЙўЛДОШ БУЛА ОЛАДИ.

Дурбин исталган об-ҳаво шароитида кундузги ёки оқшом чоғида олис манзилларни томоша қилиш, майда буюмларни синчковлик билан кузатишда қўл келади. БПЦ 7х35 дурбини кузатилаётган жойни 7 марта яқинлаштириб кўрсатади. Бу буюмининг ихчамлиги, кўзгусининг тиниқлиги, аниқ катталаштириш, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ва хира ёритилган жойларда кузатиш ишларини бемалол олиб бориш мумкинлиги, яқин масофадан олис манзилга тезда фокусировка қилиниши, ҳатто кўзойнак орқали ҳам кўриш мумкинлиги учун ҳам турист ва спорт ишқибозларига муносиб ҳамроҳдир, БПЦ — дурбин 10 марта катталаштириб кўрсатади.

Театр, санъат иҳлосмандлари таълиқ оптик системасидан тайёрланган театр дурбинини ташлашлари мумкин. У нафис, бежирим, енгил ишланган ва баҳоси қimmat эмас. БГТ 2,5х24, БГТ2-25х24 дурбинлари марказий фокуси-ровкали қилиб ишланган. БГФ-2-2, 5х25 ва БГФ — 4х26 ўта герметик ишланган. Корпус ичида жойлаштирилган линза қўшилиб фокусировка қилинади.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА САВДО ТАШКИЛОТИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/Х да Курорт, 8/Х да Асрга татигулик кун. МУКМИНИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/Х да Узинган торлар, 8/Х да Мангулик.

КИНО

6 ОКТАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Санъат саройи (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Қозоғистон (16, 17, 18, 19, 20.00; телефон 35-24-92).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР СИРИ» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да; телефон 75-54-39).

«РАҚСА ТУШИШНИ УР-ГАН» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАР-МЕН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 78-47-25).

«КУЕВЛАР» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда), Лисуннов номи (тоқ соатларда), «НИКОХ САВАТИДАГИ МИЛ-ЛИОН» — Искра (16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ЙУҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛ-СИН» — Санъат саройи (ки-чик зал, 17, 20.00).

7 ОКТАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ВОНГ ХОНИМНИНГ СИРЛАРИ» — Санъат саройи (тоқ соатларда, сўнгги сеанс 20.40 да; телефонлар 44-21-44, 44-21-34), Чайка (тоқ соатларда, телефон 77-06-20), Қозоғистон (12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20.00; телефон 35-24-92).

«ҚОРАШАҚШАҚЛАР СИРИ» — Ватан (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да; теле-фон 75-54-39).

«РАҚСА ТУШИШНИ УР-ГАН» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), Нукус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«ОЛТИН ЛАНГАР»ЛИК БАР-МЕН» — Тошкент Советининг 50 йиллиги (жуфт соатларда, сўнгги сеанс 21.30 да, телефон 78-47-25), Восток (10.30, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30, телефон 91-14-61).

«КУЕВЛАР» — ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда), Лисуннов номи (тоқ соатларда), «НИКОХ САВАТИДАГИ МИЛ-ЛИОН» — Искра (12, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ЙУҚ ҚИЛИШГА КИРИШИЛ-СИН» — Санъат саройи (ки-чик зал, 11.30, 14, 17, 20.00).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — Тошкентда биринчи марта «ИРТИҚ ҲАЙВОНЛАР» аттракционининг гастроллари 6/Х да 16, 19.00 да; 7/Х да 10, 12, 16, 18.00 да).

ДИҚҚАТ!

Улуғ Ватан уруши инва-лидлари ва уларга тенг бўл-ган кишиларни имтиёзлар бўйича дори-дармонлар би-лан таъминлашни янада ях-шилаш мақсадида 1986 йил сентябрь оидан бошлаб ша-ҳарнинг

7, 8, 77-ВА МАРКАЗИЙ ДОРИХОНАЛАРИДА УЛАРГА ХИЗМАТ КўР-САТИШ УЧУН

МАХСУС БўЛИМЛАР ОЧИДИ.

Улуғ Ватан уруши инва-лидлари шу билан бирга врач рецепти бўйича шаҳар-нинг бошқа аптекаларида дори-дармонларни олиш ҳу-қуқидан маҳрум бўлмайди-лар.

Аптеканинг ана шу бўлим-ларида врач ёзиб берган ме-дицина дори-дармонлари бўл-маган ҳолларда, аптекада уй адреси кўрсатилган оти-ритка-бюрогмани қолдириш керак.


ТОШКЕНТ ШАҲАР ДО-РИХОНАЛАР БОШҚАР-МАСИ.

Тошкент политехника инс-титутининг ректорати, на-мунг ташкилотлари ва хи-мия-технология факультети коллективи Мойлар техно-логияси кафедрасининг ас-систенти Абдуфаттох Абдуғафурович МУСЛИМОВнинг вафот этганилиги муносаба-ти билан унинг оиласига қучур таъзия нахор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашри-тининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депу-татов.



РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:

700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55, 37, 32-53-83; санъат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар ҳўналиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-55, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; намоотчилиги редакцисини — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.